



Рамазон келганда умра қилгин, чунки ундаги умра ҳажга тенг бўлади», дедилар

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ансорлардан бўлган бир аёлга – Ибн Аббос унинг исмини айтган эди, лекин мен унутдим – «Нима учун биз билан бирга ҳаж қилмадинг?» дедилар. У: «Иккитагина обкаш (сув ташувчи) туямиз бор эди. Болаларнинг отаси ўғли билан битта обкаш туяда ҳаж қилди, бизга эса суғориш учун битта обкаш туяни қолдириб кетди», деди. У зот: «Рамазон келганда умра қилгин, чунки ундаги умра ҳажга тенг бўлади», дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам "Ҳажжатул вадодан" қайтганларидан сўнг, ҳаж қилмаган ансорлардан бўлган бир аёлга: «Нима учун биз билан бирга ҳаж қилмадинг?» дедилар. У аёл уйда икки туя бор экани, биттасини эри билан ўғли миниб ҳажга кетганини ва биттасини қудуқдан сув олиб ичишлари учун ташлаб кетганини айтиб узр сўради. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга Рамазон ойидаги умра ҳажнинг савобига тенг эканини хабар бердилар.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/2753>

